

Тошкент Давлат Аграр Университети (ТошДАУ) магистри Тоғаев Шухрат Мирахматовичнинг “Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида истикболли “Порлоқ-4” ғўза навини сув озика меъёрини ишлаб чиқиш” мавзусидаги “5А410201– Агрономия” мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун ёзилган диссертацияга

### ТАҚРИЗ

Кейинги йилларда сугориладиган майдонларнинг кенгайиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиш, сув омборларининг янгидан барпо этилиши натижасида минтақадаги асосий дарёларда сув сатҳининг камайишига олиб келмоқда. Бу бевосита қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда сув тақчиллиги муаммосини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мамалакатимизда қишлоқ хўжалиги мавжуд сув ресурсларининг асосий итеъомолчиси бўлиб, уни йиллик кўрсаткичи 35 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Суғориш сувлари тақчиллиги сезилаётган ҳозирги кунда ғўзани мавсумий сув меъёрини ҳисоблашда суғориш сувларининг имкон қадар беҳуда сарфланиши камайтириш мақсадга мувофиқдир. Маъдан ўғитларнинг ғўза экилган майдонларда ўғит меъёрларини тўғри белгилаш, тупроқдан олиб чиқиб кетилган озикани ўрнини тўлдириш билан пахта ҳосилдорлиги, тола сифатининг ортишига ҳамда ундан кейин экиладига экинлар ҳосилдорлиги, сифатининг ортишига замин яратилади.

Мазкур олиб борилган илмий изланишлар муҳим муаммалар ечимига бағишланган бўлиб, механик таркиби оғир типик бўз тупроқлар шароитида Порлоқ-4 ғўза навини агротехикасини ишлаб чиқишга қаратилган.


Тадқиқотчи томонидан олиб борилган тажриба натижаларига кўра, Ген-нокаут усулида яратилган Порлоқ-4 ғўза навини типик бўз тупроқлари шароитида учун етиштиришда унинг мақбул суғориш тартиблари ҳамда маъдан ўғитлар меъёри ўрганилган бунинг натижасида назорат вариантыга нисбатан 6,9 ц/га юқори ҳосил етиштирилиб сув ва ўғитлардан самарали фойдаланилган.

Демак, Ш.М.Тоғаевнинг диссертацияси долзарб масала юзасидан ёзилган бўлиб, магистр академик даражасини олишга етарли маълумотлар келтирилган, муаллифнинг ўзи эса талаб этилаётган даражани олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Ушбу илмий ишни докторантурада ҳам давом эттириб Порлоқ-4 ғўза навининг кўчат қалинлиги, чилпиш муддатларини ҳам қўшиб ўрганилса пахтачилик яна ҳам яхши натижаларга эришилади.

**Қишлоқ хўжалиги  
фанлари доктори., профессор:**

**У. Норкулов**



Тошкент Давлат Аграр Университети (ТошДАУ) магистри Тоғаев Шухрат Мирахматовичнинг “Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида истиқболли “Порлоқ-4” ғўза навини сув озиқа меъёрини ишлаб чиқиш” мавзусидаги “5А410201– Агрономия” мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун ёзилган диссертацияга

### ТАҚРИЗ

Хозирги кунда Республикамизда жадал деҳқончилик асосан мелиоратив, экологик ҳолати ҳамда тупроқларнинг унумдорлик даражаси бўйича бир-бирдан кескин ажралиб турадиган 4278,0 минг гектар суғориладиган ерларда олиб борилмоқда. Афсуски, ана шу майдонларнинг 65,9% ида мелиоратив ҳолат қониқарсиз, 0,7 млн. гектардан ошироғи ирригация эрозисидан, 1,8 млн. гектардан ошиқроғи шамол эрозиясидан, 1,9 млн. гектардан ошиқроғи бирданига сув ва шамол эрозиясидан зарар кўради. Шу сабабли ҳар битта жойнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб навларни жойлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мазкур илмий тадқиқот иши муҳим муаммолар ечимига бағишланган бўлиб, Тошкент вилоятининг механик таркиби оғир типик бўз тупроқлар шароитида Порлоқ-4 ғўза навини агротехикасини ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқот давомида кўплаб натижалар олиниб, мақбул озиқлантириш ҳамда суғориш меъёрлари ишлаб чиқилган Порлоқ-4 ғўза навида 1ц пахта ҳосили олишга сарфланган сув миқдори назоратга нисбатан  $11,8 \text{ м}^3/\text{ц}$  сув иқтисод қилиниб 6,9 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган, бу эса ўз навбатида суғориш сувларидан ҳамда маъдан ўғитлардан самарали фойдаланилганлигини кўрсатади.

Демак, Ш.М.Тоғаевнинг диссертацияси долзарб масала юзасидан ёзилган бўлиб, магистр академик даражасини олишга етарли маълумотлар келтирилган, муаллифнинг ўзи эса талаб этилаётган даражани олишга лойик деб ҳисоблайман.

Қишлоқ хўжалиги фанлари  
номзоди., катта илмий ходими:



М.Хасанов

Тошкент Давлат Аграр Университети Магистратура бўлими «Дехқончилик ва мелиорация» кафедрасининг 5A410201 - «Агрономия» мутахассислиги II- босқич магистри Болқиев Абдувохит Абдуллаевичнинг «Сирдарё вилоятининг шўрланган ерларида етиштириладиган такрорий экин мошининг суғориш тартибларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги магистрлик диссертация ишига

### ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли «2017-2021 йилларда республикада мош экини экишни ва мош дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора –тадбирлари тўғрисидаги». қарори бўйича барча такрорий экинлар шу жумладан мош экини майдони ҳам кенгайтирилиши назарда тутилган.

Республикада қишлоқ ва сув хўжалигида туб ислохотларни амалга оширишни ҳамда ер ресурсларидан самарали ва оқилана фойдаланишни ташкил этиш учун фан ютуқларини ва илғор ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ этмоқ энг зарур вазифалардан хисобланади.

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, унинг биологик активлигини таъминлаш, унда тирик организмларни актив ривожланишига эришиш учун тупроққа ишлов беришнинг янги самарали усулларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларини парваришlashга илмий асосланган илғор технологияларни қўллаш, экинларни юқори ҳосилдорликка эга бўлган, тезпишар ва дон сифати даражаси юқори навларни танлаб экиш талаб қилинади. Бунинг учун кенг қамровли чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини талаб этилади.

Мош экини кўпгина қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан бошоқли, маккажўхори-ёрма экинлари, сабзавот, полиз, мойли ва техник экинлар учун жуда самарали ўтмишдош экин хисобланади. Мош экилган майдонларга келгуси йил ҳосили учун кузги буғдой экиш режалаштирилган бўлса, алмашлаб экиш тизимидаги кузги буғдойни экиш учун ер майдонини эрта муддатларда бўшатиш учун ўтмишдош экин сифатида экилган мош экинини сентябр ойига қадар ўриб йиғиштириб олиш учун албатта эртапишар мош навларини экиш ҳар томонлама самарали хисобланади.

А.Болқиев Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида етиштириладиган мош экини навларини суғориш ва шўр таъсирига чидамличилигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва аҳамиятга эга бўлган натижалар олган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики Тажриба майдони тупроғини мелиоратив ҳолатини, сув-физик хоссаларини ва озиқа моддалари билан таъминланганлик даражаларини аниқлаган тупроқнинг шўрланиш даражаларини аниқлаш, мош экини навларини суғориш тартибларини (суғориш сонлари, муддатлари ва меъёрларини) ўрганиш, шўрланиш даражалари ва суғориш тартибларининг мош навларини ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш, шўрланиш даражалари ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда мош навларининг ҳосилдорлигини аниқлаш, кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда етиштирилган мош навларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаган ва керакли натижалар олинган.

Ушбу диссертация ишида келтирилган маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ҳамда ишлаб чиқаришга тавсияларни жорий этиш бир қатор иқтисодий самарадорликка олиб келади. Мен бу диссертация ишини юқори баҳоларга лойиқ деб ҳисоблайман.

ТИҚХММИ ирригация ва мелиорация  
Кафедраси профессори қ.х.ф.д



С. Исаев.

Тошкент Давлат Аграр Университети Магистратура бўлими «Дехқончилик ва мелиорация» кафедрасининг 5A410201 - «Агрономия» мутахасислиги II- босқич магистри Болқиев Абдувохит Абдуллаевичнинг «Сирдарё вилоятининг шўрланган ерларида етиштириладиган такрорий экин мошнинг суғориш тартибларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги магистрлик диссертация ишига

### ТАҚРИЗ

Республикамиз кишлоқ ва сув хўжалигида туб ислохатларни амалга оширишни ҳамда ер ресурсларидан самарали ва оқилана фойдаланишни ташкил этиш учун фан ютуқларини ва илгор ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ этмоқ энг зарур вазибалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, унинг биологик активлигини таъминлаш, унда тирик организмларни актив ривожланишига эришиш учун тупроққа ишлов беришнинг янги самарали усулларидан фойдаланиш, кишлоқ хўжалик экинларини парваришлаганга илмий асосланган илгор технологияларни қўллаш, экинларни юқори ҳосилдорликка эга бўлган, тезпишар ва дон сифати даражаси юқори навларни танлаб экиш талаб қилинади. Бунинг учун кенг қамровли чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини талаб этилади.

Мош экини кўпгина кишлоқ хўжалик экинлари, жумладан бошоқли, маккажўхори-ёрма экинлари, сабзавот, полиз, мойли ва техник экинлар учун жуда самарали ўтмишдош экин ҳисобланади. Мош экилган майдонларга келгуси йил ҳосили учун кузги бугдой экиш режалаштирилган бўлса, алмашлаб экиш тизимидаги кузги бугдойни экиш учун ер майдонини эрта муддатларда бўшатиш учун ўтмишдош экин сифатида экилган мош экинини сентябр ойига қадар ўриб йиғиштириб олиш учун албатта эртапишар мош навларини экиш ҳар томонлама самарали ҳисобланади.

Магистрант томонидан тақдим этилган иш мавзусини шу куннинг долзарб масалалардан бирига бағишланган деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертация иши Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида кузги бугдойдан кейин такрорий экин сифатида етиштириладиган мош экини навларини суғориш ва шўр таъсирини чидамлийлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва аҳамиятга эга бўлган натижалар олган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики Тажриба майдони тупрогини мелиоратив ҳолатини, сув-физик хоссаларини ва озика моддалари билан таъминланганлик даражаларини аниқлаган тупроқнинг шўрланиш даражаларини аниқлаш, мош экини навларини суғориш тартибларини (сугориш сонлари, муддатлари ва меъёрларини) ўрганиш, шўрланиш даражалари ва суғориш тартибларининг мош навларини ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш, шўрланиш даражалари ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда мош навларининг ҳосилдорлигини аниқлаш, кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда етиштирилган мош навларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаган ва керакли натижалар олинган.

Тақризга тақдим этилган ушбу диссертация иши ЎзР ОЎМТВ томонидан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида магистрларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйилган талаблар» асосида тайёрланган ва расмийлаштирилган. Иш кириш, 5 та бўлим, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 78 бет ҳажмда тақдим этилган, шу жумладан унда 10 та расм ва 11 та жадвал келтирилган.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, А.Болқиев томонидан тақдим этилган ушбу битирув диссертация иши ўз мазмуни, ҳажми, амалий аҳамияти ва расмийлаштирилганлик даражасига кўра шу қаби ишларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради, ва ҳимоя қилишга тавсия этаман.

«Ўсимликшунослик» кафедраси  
қ.х.ф.н.доц:



З. Юлдашева